



**Америка Қўшма Штатлари  
Давлат Департаменти  
Консуллик Масалалари бюроси**

## **2015 ЙИЛ ТУРЛИ МИЛЛАТГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР ВИЗАСИ ДАСТУРИ (DV-2015) ЙЎРИҚНОМАСИ**

### **Дастур ҳақида маълумот**

Конгресс қарори билан жорий этилган “Турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури –DV” ҳар йили Давлат Департаменти томонидан бошқарилади. Иммиграция ва Фуқаролик Кодексининг (ИФК) 203(с) бўлими Америка Қўшма Штатларига тарихан иммиграция кўрсаткичи паст давлатлардан бўлган “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” деб аталувчи иммигрантлар синфини жорий этади. 2015-солиқ йилида 50000 нафар “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” (DV) визалари мавжуд бўлади. DV дастурида рўйхатдан ўтиш бепул.

Лотереяда танлаб олинганлар (сараланганлар) “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” визаларини олишга мувофиқ бўлишлари учун дастурнинг оддий, лекин қатъий талабларига мувофиқ бўлишлари шарт. Сараланганлар компьютерлаштирилган тасодифий лотерея танлови орқали сараланади. Визалар олти жўғрофий минтақалар орасида тақсимланади, ва ҳеч қайси бир давлатга бир йил ичида DV визаларининг етти фоизидан ортиғи берилмайди.

Қуйидаги давлатлар ҳудудида туғилган шахслар DV-2015да иштирок этишлари мумкин эмас, чунки сўнгги беш йил давомида бу давлатларда туғилган умумий сони 50000дан ортиқ шахс АҚШга иммиграция қилган:

Бангладеш, Бразилия, Канада, Хитой (материкда туғилганлар), Колумбия, Доминикана Республикаси, Эквадор, Сальвадор, Гаити, Ҳиндистон, Ямайка, Мексика, Нигерия, Покистон, Перу, Филиппин, Жанубий Корея, Буюк Британия (Шимолий Ирландиядан ташқари) ва унга қарам ҳудудлар, ва Вьетнам.  
Сянган (Гонконг), Аоминь (Макао) махсус маъмурий округи ва Тайванда туғилган шахслар иштирок этишлари мумкин.

Бу йилги иштирок этишдаги ўзгаришлар: DV-2015 да, Нигерияда туғилганлар энди иштирок этишлари мумкин эмас.

## Иштирок учун талаблар

### 1- Талаб: [Вакиллари дастурда қатнашиши мумкин бўлган давлатлар](#)да туғилган шахслар рўйхатдан ўтишга ҳақли бўлиши мумкин.

Агар сиз мувофиқ давлатда туғилган бўлмасангиз, сизнинг иштирок талабларига жавоб беришингизнинг яна икки эҳтимоллиги бор.

- Турмуш ўртоғингиз мувофиқ давлатда туғилганми? Жавобингиз ижобий бўлса, сиз турмуш ўртоғингизнинг туғилган давлатига тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин. Бундай ҳолларда, сараланган аризада сизнинг ва турмуш ўртоғингизнинг исмлари кўрсатилган бўлиши, DV визаларини биргаликда олишингиз ва АҚШга бир вақтда сафар қилишингиз шарт бўлади.
- Сиз маҳаллий аҳолиси дастурда қатнашиш талабига номувофиқ давлатда туғилгансиз-у, лекин ота-онангиздан бирортаси ҳам бу давлатда туғилмаган ёки улар сиз туғилган вақтда ўша давлатда доимий истиқомат қилмаганми? Жавобингиз ижобий бўлса, сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига, агар унинг маҳаллий аҳолиси DV-2015 дастурини қониқтирувчи давлат бўлса, тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин. Бунинг маъноси ҳақида батафсил маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўриб чиқинг.

**2 – Талаб:** Юкоридагига қўшимча равишда, DV дастурининг таълим/иш тажрибаси талабига жавоб беришингиз учун, сиз:

- ўрта ёки унга тенглаштирилиб, 12 йиллик бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлаш деб белгиланувчи таълимга;

ЁКИ

- сўнги беш йил ичида энг камида икки йиллик тайёрлов ёки тажриба талаб қилувчи фаолиятда икки йиллик иш тажрибага эга бўлишингиз керак. Мувофиқ меҳнат малакасини аниқлаш учун АҚШ Меҳнат Департаментининг [O\\*Net OnLine](#) маълумотлар базаси қўлланилади.

DV асосий мурожаатчиси учун мувофиқ меҳнат малакаси хусусида қўшимча маълумот бўйича [Кўп Сўраладиган Саволлар](#) га қаранг.

**Мазкур талаблардан иккаласини ҳам қондирмасангиз, DV дастурига ариза топширманг.**

## ***Рўйхатдан ўтиш даври***

DV-2015 турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига аризалар электрон шаклда [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) веб-саҳифасида Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) билан 2013 йил, 1-октябрь, сешанба куни соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) бўйича 2013 йил, 2-ноябрь, шанба куни соат 12:00 гача топширилиши керак. Рўйхатга олинмиш даврининг сўнгги ҳафтасигача кутманг, чунки юқори талаб веб-саҳифа фаолиятининг секинлашувига олиб келиши мумкин. Кеч топширилган ва қоғоз нусхадаги аризалар қабул қилинмайди. Қонун рўйхатга олиш даврида ҳар бир шахс томонидан ёки унинг номидан фақат битта ариза топширилишига рухсат беради. Давлат Департаменти биттадан ортиқ киритилган аризаларни аниқлаш учун мураккаб технологиялардан фойдаланади. Агар биттадан ортиқ ариза топширсангиз, сиз дастурдан четлатиласиз (дисквалификация).

## **DV-2015 дастурига ариза топшириш тартиби**

Турли Миллатларга Мансуб Иммигрантлар Визалари Аризаси Шакли (E-DV Аризаси Шакли ёки DS-5501)ни электрон равишда [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) веб-саҳифасида топширинг. Тўлиқ бўлмаган аризалар дастурдан четлатилади. DV дастурида рўйхатдан ўтиш учун тўлов олинмайди.

Аризани шахсан ўзингиз, “виза консултантлари”, “виза хизматлари агентлари” ва бошқа шу каби “ёрдамчилар”сиз тўлдиришингизни маслаҳат берамиз. Агар бирор киши сизга кўмаклашса ҳам, ариза сизнинг ҳузурингизда тўлдирилиши лозим. Шунда сиз саволларга тўғри жавоблар тақдим эта оласиз ва тасдиқлов варағи билан хусусий тасдиқлов рақамингизни қўлингизга ола оласиз. Тасдиқлов варағи билан хусусий тасдиқлов рақамингизни ўзингиз учун сақлаб қўйишингиз ўта муҳимдир. Мазкур маълумотларсиз дастурдаги мақомингизни билиш учун Интернет тизимига кира олмайсиз. Бирор бошқа киши ўрнингиздан бу маълумотларни сақлаб қўйишни таклиф этса, эҳтиёткорлик билан ўйлаб кўринг. DV дастурига оид фирибгарлик ҳақида маълумотлар учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўриб чиқинг.

Тўлиқ ариза рўйхатдан ўтказилганда экранда сизнинг исмингиз ва махсус хусусий тасдиқлов рақами тасвирланган тасдиқлов саҳифасини кўрасиз. Мазкур тасдиқлов саҳифасини маълумотингиз учун принтердан чоп этиб олинг. 2014 йил, 1-майдан бошлаб, сиз [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) саҳифасига қайтиб кириб, Аризачи Мақомини Текшириш Функциясини (Entrant Status Check) босиб, ўз хусусий тасдиқлов рақамингиз ва шахсий маълумотларингизни киритиб, аризангизнинг мақомини (статусини) текшириш имкониятига эга бўласиз. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) сизнинг DV-2015 дастурида сараланганингизни текширишингиз ҳамда кейинчалик риоя қилишингиз керак бўлган жараёнлар ва иммиграцион визангиз бўйича суҳбатингиз кунини аниқлашнинг ягона усули бўлади. Саралаш жараёни ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўриб чиқинг.

Электрон арзангиз (E-DV)ни тўлдириш учун қуйидаги маълумотларни тақдим этишингиз керак бўлади:

1. Тўлиқ исм – Фамилия, исм, шариф. Тўлиқ исмингизни айнан паспортда кўрсатилганидек киритинг.
2. Туғилган сана – кун, ой, йил.
3. Жинс – эркак ёки аёл.
4. Сиз туғилган шаҳар.
5. Сиз туғилган давлат – Давлат номи ҳозирги пайтда сиз туғилган жойга нисбатан қўлланилидиган ном бўлиши керак.
6. DV дастури учун давлат мувофиқлиги ёки тегишлилиги – Давлатингизнинг мувофиқлиги одатда сизнинг туғилган юртингиз билан бир хил бўлади. Сизнинг давлатингиз мувофиқлиги сизнинг қаерда яшашингизга боғлиқ эмас. Агар сиз DV дастурида қатнашишга ҳақли давлатда туғилмаган бўлсангиз, давлат тегишлилиги бўйича [Тез-тез Сўраладиган Саволлар](#)ни кўздан кечиринг ва у ердан давлат тегишлилиги бўйича сиз учун бирор имкониятлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқланг.
7. Аризачиларнинг фотосуратлари – Ўзингиз, турмуш ўртоғингиз ва аризангизга киритилган барча фарзандларингизнинг яқинда олинган фотосуратлари. Фотосуратларнинг тузилиши ва техник хоссаларига талабларни [рақамли фотосурат топшириш бўлими](#)да кўринг. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлган турмуш ўртоғингиз ёки фарзандингиз учун фотосурат топширишингиз шарт эмас. Бироқ, сиз улар учун ҳам фотосурат топширсангиз, бу сиз учун муаммо туғдирмайди.

Гуруҳ фотосуратлари қабул қилинмайди; ҳар бир шахс учун алоҳида фотосурат топширишингиз шарт. Агар фотосуратларингиз яқинда олинган бўлмаса, бирор йўл билан ўзгартирилган бўлса ёки қуйида келтирилган талабларга мувофиқ бўлмаса, сизнинг аризангиз дастурдан четлатилиши (дисквалификация) ёки виза мурожаатингиз бўйича рад жавоби берилиши мумкин. Қўшимча маълумот учун [рақамли фотосурат топшириш бўлими](#)ни кўринг.

8. Почта манзили –
  - Кимга
  - Манзил 1-сатр
  - Манзил 2-сатр
  - Шаҳар
  - Туман/Вилоят/Штат
  - Почта индекси

## Мамлакат

9. Сиз ҳозир яшаётган мамлакат.
10. Телефон рақами (ихтиёрий).
11. Электрон почта манзили - сиз бевосита киришингиз мумкин бўлган электрон почта манзили. Аризангиз сараланса ва сиз Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*) орқали ғолиблигингиз ҳақидаги хабарга жавоб берсангиз, сиз Давлат Департаментидан электрон почта орқали иммиграцион визангиз бўйича суҳбатингизга оид батафсил маълумотларни Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*)да кўриб чиқишингиз мумкинлиги ҳақида хабар оласиз. Давлат Департаменти ҳеч қачон DV дастурида ғолиб бўлганлигингиз ҳақидаги маълумотни электрон почта манзилига жўнатмайди. Саралаш жараёни ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.
12. Сиз шу кунга қадар тугатган энг юқори таълим босқичи: (1) фақат бошланғич таълим (2) тўлиқсиз ўрта таълим, (3) тўлиқ ўрта таълим (4) касбий/ўрта махсус таълим (5) тўлиқсиз олий маълумот, (6) бакалавр (7) тугалланмаган магистратура (8) магистр (9) докторантура даражасида курслар (10) фан доктори. Таълим талаблари ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.
13. Ҳозирги оилавий ҳолатингиз – Турмуш қурмаган, турмуш қурган, ажрашган, бева ёки қонуний расмийлаштирилган алоҳида яшаш. Турмуш ўртоғингизнинг тўлиқ исми-шарифи-фамилияси, туғилган санаси, жинси, туғилган жойи ва туғилган мамлакатини киритинг ҳамда турмуш ўртоғингизнинг фотосурати ҳам ўзингиз учун киритишингиз керак бўлган фотосурат каби бир хил талабларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиб, топширинг.  
  
Талабларга мувофиқ турмуш ўртоғингизни аризага киритмаслик асосий мурожаат этувчининг дастурдан четлатилишига (дисквалификация) ва виза суҳбати давомида мурожаат бўйича барча визаларнинг рад этилишига олиб келади. Ҳатто визага мурожаат этишдан аввал ажрашишни режалаштираётган бўлсангиз ҳам турмуш ўртоғингизни дастурда рўйхатдан ўтиш аризасига киритишингиз шарт. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлган турмуш ўртоғингизга DV визаси керак бўлмайди ва бундай виза берилмайди. Лекин бундай мақомга эга турмуш ўртоғингизни аризага киритиш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Оила аъзолари ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.
14. Фарзандлар сони – Аризага барча ҳаёт бўлган, турмуш қурмаган ва 21 ёшдан кичик фарзандларингизни киритинг. Бунда, бу фарзандлар сиз билан яшаши ёки яшамаслиги, АҚШга иммиграция қилсангиз бирга бориши ёки бормаслиги ёки

кетганингиздан сўнг сиз билан АҚШда бирлашиш истаги бор ёки йўқлиги эътиборга олинмайди. Ҳар бир фарзандингиз учун ўзингизнинг фотосуратингиз каби бир хил техник талабларга мувофиқ шахсий фотосуратлар топширинг.

Қуйидагиларни албата киритинг:

- Барча ҳаёт бўлган туғишган фарзандларингизни;
- Барча ҳаёт бўлган, қонуний равишда асраб олинган фарзандларингизни;
- Барча ҳаёт бўлган ўғай фарзандларингизни, агар улар турмуш қурмаган ва 21 ёшдан ошмаган бўлсалар. Бу фарзандларни ҳатто уларнинг ота/онаси билан қонуний никоҳда бўлмасангиз ҳам ва ҳатто бу фарзанд ҳозирги вақтда сиз билан бирга яшамаса ҳам ва/ёки бу фарзанд сиз билан биргаликда иммиграция қилмаса ҳам киритиш шарт.

Турмуш қурган ва 21 ёшдан ошган фарзандлар DV дастурида қатнашиши мумкин эмас. Бироқ, Болалар Мақомини Ҳимоялаш Акти баъзи ҳолларда болаларни “ёши ўтиб кетишидан” сақлайди. Агар DV дастурига аризани фарзандингиз 21 ёшга тўлишидан аввал киритган бўлсангиз, ва фарзандингиз виза берилишидан аввал 21 ёшга тўлса, унга нисбатан виза жараёнлари мақсадида 21 га тўлмаган шахс сифатида муносабат кўрсатилиши мумкин.

Сиздан аллақачон АҚШ фуқароси ёки қонуний доимий резиденти бўлган фарзандни киритиш талаб қилинмайди, лекин бундай оила аъзоларингизни аризангизга киритишингиз ёки киритмаслигингиздан қатъий назар, сизга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмайди.

Талабларга жавоб берувчи барча фарзандларни аризада кўрсатмаслик асосий аризачининг четлатилиши (дисквалификация) ва виза учун суҳбат вақтида барча визаларга рад жавоби берилишига сабаб бўлади. Оила аъзолари ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

DV-2015 дастурига электрон аризани тўлдириб топшириш ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

### **Иштирокчиларнинг сараланиши**

Шахслар, ҳар бир минтақа ва давлатга тақсимланган визалар мавжудлиги асосида, барча мувофиқ аризалар орасидан компьютер томонидан амалга ошириладиган тасодиқий танлов орқали сараланади. DV-2015 дастурининг барча иштирокчилари E-DVнинг Интернет саҳифасига кириб, DV-2015га электрон ариза топшириш вақтида сақлаб қўйган махсус хусусий тасдиқлов рақамларидан фойдаланиб, Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали ўз аризаларининг DV дастури учун сараланганини аниқлашлари мумкин. E-DVнинг [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov)

Интернет саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш (Entrant Status Check) функцияси 2014 йил, 1-майдан бошлаб 2015 йил, 30-июнга қадар мавжуд бўлади.

Агар аризангиз сараланган бўлса, сиз қўшимча кўрсатмалар ҳамда АҚШга иммиграцияга боғлиқ тўловлар ҳақидаги маълумот жойлашган тасдиқлов саҳифасига йўналтириласиз. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) DV-2015да сараланган иштирокчиларнинг дастурда ғолиб бўлганларини хабар қилишнинг ЯГОНА йўли бўлади. Давлат Департаменти ғолибларга хабарномаларни почта орқали жўнатмайди ёки сараланганларни электрон почта орқали хабардор қилмайди. Аризалари сараланмаган шахслар ҳам ФАҚАТ Интернетда Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*) орқали хабардор этиладилар. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*)га ўзингиз шахсан киришингизни ва уни текшириб, сизни хабардор қилишни бировга ишониб топширмаслигингизни қатъиян маслаҳат берамиз.

Агар аризангиз сараланган бўлса ҳам, АҚШга иммиграция мақсадида DV (турли миллатга мансуб иммигрант) визасини олиш учун АҚШ Иммиграция Қонунчилигига мувофиқ барча талабларга жавоб беришингиз шарт. Бу талаблар мазкур йўриқномада кўрсатилган айрим мамлакатларда туғилган кишилар, шу жумладан, терроризм ҳомийлари деб тайинланган давлатларда туғилган кишиларнинг аризалари янада мукамалроқ текширилишига ва кўриб чиқиш жараёнининг давомийлиги узокрок бўлишига олиб келиши мумкин.

Барча аризаларнинг кўриб чиқилиши ва турли миллатга мансуб иммигрантлар учун визалари (DV)нинг ғолиб иштирокчилар ва уларнинг талабларга мувофиқ оила аъзоларига берилиши 2015 йил 30-сентябрь 24:00 га қадар амалга оширилиши шарт. Мазкур кундан сўнг ҳеч қандай ҳолатда турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар берилмайди ёки ўзгартиришлар маъқулланмайди; шу билан бирга, мазкур вақтдан сўнг оила аъзолари ҳам ўзлари рўйхатдан ўтган аризадаги асосий иштирокчига АҚШда қўшилиш учун турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визаларни ололмайдилар. Иштирокчиларни саралаш жараёни ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

## **Рақамли фотосурат (тасвир) топшириш**

Сиз янги рақамли фотосурат олишингиз ёки тайёр чоп этилган фотосуратни рақамли сканерден ўтказишингиз мумкин. Бунда суратингиз қуйида келтирилган тузилиш ва техник хусусиятларга мувофиқ бўлиши лозим. Фотосуратларингизнинг мувофиқлигини E-DV Интернет саҳифасида фотосуратларни текшириш манзилида текшириб кўришингиз мумкин. Фотосуратларни текшириш саҳифасида фотосуратларнинг тузилишига доир қўшимча техник маслаҳатлар ҳамда талабларга мувофиқ ва номувофиқ фотосуратлар намуналари келтирилган.


Фотосуратлар 24-бит ранг интенсивлигида бўлиши керак. Сканердан фойдаланаётган



бўлсангиз, хоссалар True Color ёки 24-bit ранг режимида бўлиши керак. Қуйида қўшимча сканердан ўтказиш талабларини кўринг.

### Тузилиш жиҳатлари:

- **Бошнинг ҳолати**
  - Суратга олинган шахс тўғри фотоаппаратга юзланиб туриши лозим.
  - Шахснинг боши юқорига, пастга ёки ён томонга бурилмаган бўлиши керак.
  - Бош узунлиги ёки юз қоплаган юза (бошнинг соч тепасидан, жағ остигача бўлган қисмигача ўлчанади) тасвирнинг жами узунлигининг 50 фоизидан 69 фоизигача бўлган қисмини қоплаши керак. Кўз жойлашув баландлиги (тасвирнинг остидан кўз чизиғигача ўлчанади) тасвир узунлигининг 56 фоиздан 69 фоизгача бўлган қисмида бўлиши керак.
- **Рақамли фотосурат бош ўлчамининг шаблони**



[Фотосуратга талаблар](#) веб-саҳифасидаги намуналарни кўриб чиқинг

- **Оч рангли фон**
  - Суратга олинаётган шахс холис оч рангли фон олдида туриши лозим.
- **Фокус**
  - Сурат марказлашган (фокусда) бўлиши зарур.
- **Безакларсиз**
  - Суратга олинган шахс қора кўзойнак ёки чалғитувчи бошқа жисмлар тақиб тушган фотосуратлар қабул қилинмайди.
- **Рўмол ва бош кийимларсиз**



- Рўмол ёки бош кийимдаги шахсларнинг фотосуратлари, агар бу диний эътиқодга боғлиқ бўлиб, ва шунда ҳам, иштирокчи юзининг ҳеч қайси қисмини қоплаб турмаган бўлсагина қабул қилинади. Қабилага хос ёки диний хусусиятга эга бўлмаган бошқа бош кийимлардаги фотосуратлар қабул қилинмайди. Харбий, авиалиния ва бошқа хизматчиларнинг бош кийимдаги суратлари қабул қилинмайди.

## Техник жиҳатлар

- **Янги рақамли сурат олиш.** Агар янги рақамли фотосуратга тушсангиз, у куйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

Тасвир файл формати: сурат Joint Photographic Experts Group JPEG форматида бўлиши зарур.

Тасвир файлининг ҳажми: суратнинг файл ҳажми 240 (икки юз қирқ) килобайтдан (240KB) ошмаслиги зарур.

Тасвир равшанлиги ва ўлчамлари: минимал қабул қилинадиган ўлчамлар - баландликда 600 пиксель ва кенгликда 600 пиксель. Тасвирнинг пиксель ўлчамлари квадрат мутаносибликда бўлиши керак (яъни баландлиги ва эни тенг бўлиши керак).

Тасвир ранги тўйинганлиги: тасвир рангли бўлиши шарт (бир пикселга 24бит). Оқ-қора 24-битли ва 8 битли тасвирлар қабул қилинмайди.

- **Топширилган фотосуратни сканердан ўтказиш.** Фотосуратни сканердан ўтказишдан аввал унинг юқоридаги ранг ва тузилиш талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилинг. Чоп этилган суратни куйидагича соzланган сканердан ўтказинг:

Сканер равшанлиги: бир дюймга камида 300(dpi) нуқта равшанлик.

Тасвирнинг файл формати: тасвир Joint Photographic Experts Group JPEG форматида бўлиши зарур.

Тасвир файлининг ҳажми: тасвирнинг ҳажми 240 (икки юз қирқ)

килобайтдан (240 KB) ошмаслиги зарур.

Тасвир равшанлиги:

600x600 пиксель

Тасвир рангининг  
тўйинганлиги:

24 бит хоссали ранг. {Эътибор беринг,  
оқ-қора, монохром ва кул рангсимон  
тасвирлар қабул қилинмайди.}

# КЎП СЎРАЛАДИГАН САВОЛЛАР

## ТАЛАБЛАР

### 1. “Мувофиқлик”, “худудида туғилган” ва “тегишлилик” иборалари нимани англатади?

Худудида туғилган шахс ибораси кимнингдир бирор давлатда туғилганини англатади ва бунда мазкур шахснинг ҳозир яшаётган давлати ва фуқаролигининг аҳамияти йўқ. Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонуннинг 202(б) бўлимига кўра худудида туғилган шахс атамаси, шунингдек, маълум бир шахс туғилган давлатдан ташқари у тегишли бўлган давлатни ҳам назарда тутиши мумкин.

Муайян мамлакат ёки жўғрофий ҳудуддан кираётган иммигрантлар сонига миқдорий чекловлар ўрнатилгани учун ҳар бир шахс маълум мамлакатга тегишли деб белгиланади. Сизнинг тегишлилигингиз қайси бир давлатнинг миқдорий чекловига нисбатан саналишингизга тааллуқли бўлади.

### 2. Мувофиқ давлатда туғилмаган бўлсам ҳам иштирок этишим мумкинми?

Икки ҳолатда сиз дастурга ариза бериш талабларига мос бўлишингиз мумкин. Биринчиси, агар турмуш ўртоғингиз мувофиқ давлатда туғилган бўлса, сиз турмуш ўртоғингиз туғилган давлатга тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин. Сизнинг мувофиқлигингиз турмуш ўртоғингизга боғлиқ бўлганлиги сабабли, сизнинг турмуш ўртоғингиз DV-2 визаси талабларига жавоб бериб, бу визани олишга муваффақ бўлмагунга қадар сиз DV-1 иммиграцион визасини олмайсиз. Сиз DV визаларингиздан фойдаланиб, Америка Қўшма Штатларига турмуш ўртоғингиз билан бирга киришингиз керак бўлади. Шу тарзда балоғатга етмаган фарзандингиз ҳам ота-онасининг туғилган давлатига “тегишлилик”ни даъво қилиши мумкин.

Иккинчи ҳолат, фақат ота-онангизниг бирортаси ҳам туғилишингиз пайтида номувофиқ давлатда қонуний истиқомат қилувчи мақомида бўлмаганлиги шarti билан, сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига “тегишли” бўлишингиз мумкин. Умуман, агар одамлар маълум давлатда туғилмаган ёки қонуний фуқаро бўлмай туриб бу давлатга шунчаки келган, вақтинчалик ўқиш учун ёки сиз туғилган давлатдан фарқли бошқа мамлакатга тегишли ташкилот ёки ҳукумат номидан бу давлатда мутахассислик ёки бизнес сабаблари туфайли яшаб турган бўлса, улар давлатнинг қонуний истиқомат қилувчиси ҳисобланмайди.

Агар сиз бошқа давлатга тегишлиликка даъво қилсангиз, сиз мазкур маълумотни E-DV аризасининг 6-саволида кўрсатиб ўтишингиз даркор.

Илтимос, оғоҳ бўлинг, берилаётган **мувофиқлик** ёки **тегишлилик** давлати нотўғри (асосланган даъво қилиб бўлмайдиган) бўлса, бу сизнинг аризангизниг бекор

килинишига олиб келиши мумкин.

### **3. Нега баъзи давлатларда туғилган шахслар турли миллатларга мансуб иммигрантлар визалари дастурида қатнаша олмайди?**

Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар (DV) “кўп сонли иммигрантлар жўнатувчи» мамлакатлардан бўлмаган шахсларга иммиграция имкониятини беришга қаратилган. Қонунда белгиланишича, “кўп сонли иммигрантлар жўнатувчи» давлатлар сирасига ҳудудидан оилавий ва меҳнат виза тоифаларида АҚШга сўнгги беш йил давомида жами 50000 та одам кўчиб келган мамлакатлар киради. Ҳар йили, АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS) ҳудудида туғилган шахслар турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури (DV) учун номувофиқ давлатларни аниқлаш мақсадида сўнгги беш йил ичидаги оилавий ва меҳнат иммигрантлари ва мақомини ўзгартириш ҳолатлари сонини кўшиб, ҳисоблаб чиқади. Бундай ҳисоб-китоб ҳар йили амалга оширилгани сабабли ҳудудида туғилган шахслар мувофиқ бўлмаган давлатлар рўйхати йилдан-йилга ўзгариб туради.

### **4. Ҳар бир мувофиқ давлат ва минтақада туғилган шахсларга DV-2015 визалари қандай миқдорда тақсимланади?**

Иммиграция ва Фуқаролик Актининг (INA) 203(с)-бўлимида белгиланган формуладан фойдаланиб, АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизматлари (USCIS) ҳар йил учун DVнинг минтақавий чекловларини аниқлайди. USCIS ўз ҳисоб-китобларини тугаллаши билан бу рақамлар эълон қилинади. Оқибатда ҳар бир давлатда туғилган шахсларга бериладиган визалар сони минтақавий чекловлар, ҳар бир давлатдан топширилган аризалар сони ва сараланганлар орасида нечтаси виза олиш талабларига жавоб беришига боғлиқ бўлади. Ҳеч бир давлатда туғилган шахсларга дастурда мавжуд визаларнинг етти фоизидан ортиғи берилмайди.

### **5. Таълим ва иш тажрибасига талаблар қандай?**

АҚШ Иммиграция қонуни ва меъёрий ҳужжатлари талабларига кўра ҳар бир DV иштирокчиси энг камида ўрта ёки унга тенглаштирилган таълимга, ёки сўнгги беш йилда икки йиллик малака ёки таълим талаб қилувчи ишда икки йиллик тажрибага эга бўлиши керак. “Ўрта ёки унга тенглаштирилган таълим” тушунчаси, Америка Қўшма Штатларида бошланғич ва ўрта таълимдан иборат ўн икки йиллик ўқишни муваффақиятли ниҳоялаш ЁКИ бошқа давлатда Қўшма Штатлардаги ўрта таълимга тенг расмий бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлашни билдиради. Фақат расмий таълим йўналишлари шу талабга жавоб беради, сиртқи таълим ёки тенглаштирилган таълим гувоҳномалари қабул қилинмайди. Таълим ёки иш тажрибасининг ҳужжатлаштирилган далили виза учун суҳбат вақтида консуллик бўлими ходимига кўрсатилиши шарт.

## 6. Қайси касблар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига мос келади?

Меҳнат малакасининг мувофиқлигини аниқлаш учун АҚШ Меҳнат Департаментининг (МД) [O\\*Net OnLine](#) маълумотлар базасидан фойдаланилади. Меҳнат Департаментининг (МД) [O\\*Net Online Database](#) маълумотлар базасидаги меҳнат малакаси гуруҳлари бешта “иш соҳаларига” бўлинади. МД веб саҳифасида кўплаб касблар санаб ўтилганига қарамасдан, фақатгина бир неча касблар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури талабини қондиради. Меҳнат малакангизга асосланиб, турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визага мувофиқ бўлиш учун сиз сўнгги беш йил ичида **Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP) доирасида 7.0 ёки ундан юқори гуруҳга киритилган Иш Соҳаси 4 ёки 5 деб белгиланган ишда** икки йиллик малакага эга бўлишингиз керак.

## 7. Меҳнат Департаментининг веб-сайтидаги [O\\*Net Online Database](#) маълумотлар базасидан мувофиқ касбларни қандай қилиб топаман?

[O\\*Net Online Database](#) маълумотлар базасига кирганингиздан сўнг касбингизнинг мувофиқлигини билиш учун қуйидаги тартибда иш тугинг:

1. “Find Occupations” (Касбларни топиш) га кириб, у ерда махсус бўлим “Job Family” (касбий соҳа) ни танланг;
2. “Job Family” рўйхатини кўздан кечириб, керакли тоифани танлаб, “GO”ни (Қидирув) босинг;
3. Сўнгра, айнан сизнинг касбингизга тегишли манзилни танланг.
4. Job Zone (Иш соҳаси) бўлинмасини танлаб, у ердан Иш соҳаси рақами ва Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP)даги рейтинг баҳоланишини топинг.

Мисол учун, «Aerospace Engineering» (Аэрофазо муҳандислиги) ни танланг. Аэрофазо Муҳандислари учун Умумий Ҳисоботнинг остида, Иш соҳаси бўлимида сиз Иш Соҳасининг рақами 4 ва Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP)даги рейтинг 7,0 дан <8.0 эканлигини кўрасиз.

Қўшимча маълумотлар учун [Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар Лотереяси – Касблар Рўйхатини](#) кўринг

## 8. E-DV дастурида иштирок этувчилар учун энг кам ёш чегараси борми?

Дастурда иштирок этиш учун минимум ёш чегара талаби йўқ, бироқ ҳар бир иштирокчи учун ариза қабул қилиш вақтида қўйилган ўрта таълим ёки иш малакасига эга бўлиш талаби 18 ёшдан кичик бўлган аксарият шахсларни самарали четлатади.

## ***DV ДАСТУРИ УЧУН ЭЛЕКТРОН АРИЗАНИ ТЛДИРИШ***

### **9. Аризамни қачон топширсам бўлади?**

DV-2015 аризаларини қабул қилиш Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) билан 2013 йил 1-октябрь, сешанба куни соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) бўйича 2013 йил, 2-ноябрь, шанба кунигача бўлган рўйхатга олиш даврида амалга оширилади. Ҳар йили миллионлаб кишилар ариза топширишади. Аризалар қабул қилиш даврини шу саналарга белгилаш сараланганларни ўз вақтида огоҳлантиришни таъминлайди ҳамда визага мурожаат этувчилар ва бизнинг элчихона ва консулликларимизга виза бериш учун мурожаатларни вақтида тайёрлаш ва тугаллаш учун етарли вақтга эга бўлишларига имкон яратади.

Рўйхатга олиш даврида барвақт ариза топширишингизни маслаҳат берамиз. Рўйхатга олиш даврининг сўнггида ўта юқори талаб тизимни секинлатиб қўйиши мумкин. 2013 йил 2-ноябрь, шанба куни EDT бўйича 12:00 дан сўнг ҳеч қандай аризалар қабул қилинмайди.

### **10. Мен АҚШдаман. DV дастурига ариза топширсам бўладими?**

Ҳа, аризачи АҚШ ёки бошқа давлатда бўлиши мумкин ва ариза исталган жойдан топширилиши мумкин.

### **11. Рўйхатга олиш даврида фақат бир марта ариза топширишим мумкинми?**

Ҳа, қонун бўйича ҳар рўйхатга олиш даврида бир шахс учун ва бир шахс номидан фақат битта аризага рухсат берилган. Давлат Департаменти бирдан ортиқ аризалар топширган шахсларни аниқлаш учун мураккаб технологияларни қўллайди. **Биттадан ортиқ ариза топширсангиз, дастурдан четлатиласиз (дисквалификация).**

### **12. Мен ва турмуш ўртоғим ҳар биримиз алоҳида ариза топширишимиз мумкинми?**

Ҳа, агар эр билан хотиннинг ҳар бири мувофиқлик талабларини қондира олса, алоҳида ариза топширишлари мумкин. Агар бири танланса, иккинчиси яқин қариндош сифатида мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади.

### **13. E-DV аризамга оила аъзоларимнинг қайсиларини киритишим шарт?**

**Турмуш ўртоғингиз:** Турмуш ўртоғингизни (эр ёки рафиқа), бирга яшаш ёки яшамаслигингиздан ёки унинг сиз билан АҚШга иммиграция қилиш нияти бор ёки йўқлигидан қатъий назар аризангизга киритишингиз шарт. Турмуш ўртоғингиздан алоҳида яшасангиз ҳам (агар алоҳида яшашларингиз суд томонидан тан олинган ёки суд буйруғига асосланган бўлмаса), уни аризага киритиш зарур. Агар алоҳида яшашларингиз суд томонидан тан олинган ёки суд буйруғига асосланган бўлса,

турмуш ўртоғингизни аризага киритишингиз шарт эмас. Бирок, бу ҳолда турмуш ўртоғингизни аризага киритганингиз учун сизга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмади. Агар ажрашган бўлсангиз ёки турмуш ўртоғингиз вафот этган бўлса, собиқ турмуш ўртоғингизнинг исмини аризангизга киритишингиз шарт эмас.

**Фарзандлар:** Сиз БАРЧА ҳаёт бўлган, аризангизни топшириш вақтида 21 ёшга етмаган ва турмуш қурмаган фарзандларингизни, шу жумладан сизнинг туғишган фарзандларингиз, ўғай фарзандларингиз (ҳатто шу фарзанднинг отаси ёки онасидан ажрашган бўлсангиз ҳам), турмуш ўртоғингизнинг фарзандларини ва мамлакатингиз қонунлари асосида асраб олган фарзандларингизни аризангизга киритишингиз шарт. Ҳатто E-DV аризасини тўлдираётган вақтингизда 21 ёшдан кичик бўлган болаларингиз сиз билан бирга яшамаса ёки уларнинг DV дастури бўйича иммиграция қилишини кўзламасангиз ҳам уларни аризага киритинг. Сиздан аллақачон АҚШ фуқароси ёки Қонуний Доимий Резиденти бўлган фарзандларни киритиш талаб қилинмайди гарчи уларни аризага киритганингиз учун сизга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаса ҳам.

Ариза берувчининг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари оила аъзолари сифатида DV визаларини ола олмайдилар. Шу сабабли бу оила аъзоларингизни аризага киритманг.

Аризангизга оила аъзоларингизни киритсангиз, улар визага мурожаат этишлари, сиз билан иммиграция қилишлари ёки бирга сафар қилишлари мажбурий эмас. Бирок, агар сиз қарамоғингиздаги оила аъзосини дастлабки аризангизга киритмай туриб, виза олиш анкетасига киритсангиз, сизнинг мурожаатингиз дастурдан четлатилади (дисквалификация) ва ҳеч бирингиз виза олиш талабларига мувофиқ бўлмайсиз. Бу ҳолат фақат дастлабки ариза топширилган вақтдаги оила аъзоларига тегишли бўлиб, кейин қўшилганларга тааллуқли эмасдир. Сизнинг турмуш ўртоғингиз сизнинг аризангизга киритилганига қарамасдан алоҳида аризасини топшириши мумкин ва шу билан бирга иккала ариза ҳам оилангиз қарамоғидаги барча оила аъзолар ҳақида маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак. Юқоридаги [12-саволга](#) га қаранг.

#### **14. Аризамни шахсан ўзим топширишим шартми ёки бирор киши менинг ўрнимдан топшириб бериши мумкинми?**

Сизни аризангизни ўзингиз тайёрлаб топширишга ундаймиз, лекин бирор бошқа киши аризани сизнинг номингиздан киритиши мумкин. Аризани шахсан ўзингиз топширсангиз ҳам, ёки юрист, дўст, қариндош ва бошқалар номингиздан топширса ҳам, бир шахс номидан фақатгина битта ариза топширилиши мумкин. Сиз, яъни мурожаат этувчи, аризангиздаги маълумотнинг тўғри ва тўлиқлигига жавобгарсиз; нотўғри ва тўлиқ тўлдирилмаган аризалар дастурдан четлатилиши мумкин. Мурожаат этувчилар ўзларининг тасдиқлов рақамларини ўзларида олиб қолишлари керак, чунки унинг ёрдамида ўзлари мустақил равишда ўз аризаларининг мақомларини [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) саҳифасида Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали текшира оладилар.



**15. Мен аллақачон бошқа тоифадаги иммиграцион виза учун рўйхатга олинганман. Шунга қарамасдан DV дастурида иштирок этишим мумкинми?**

Ҳа.

**16. E-DV Интернетда фойдаланиш учун қачон очилади?**

Интернет орқали аризалардан 2013 йил 1 октябрь, сешанба куни Шарқий Ёзги Вақти (GMT-4) бўйича 12:00 дан бошлаб 2013 йил 2 ноябрь, шанба куни Шарқий Ёзги Вақт (GMT-4) бўйича 12:00 гача бўлган рўйхатга олиш даври давомида фойдаланиш мумкин бўлади.

**17. E-DV аризасини Интернетдан компьютерга қўчириб олиб, матн таҳрирчи дастурда сақлаб, кейинроқ тугатишим мумкинми?**

Йўқ, сиз ариза формасини бошқа дастурда сақлаб қўйиб, кейин тўлдириб, топширишингизнинг имкони йўқ. E-DV ариза формаси веб шаклида холос. Маълумотлар он-лайн режимида киритилиши ва топширилиши талаб қилинади.

**18. E-DV аризасини Интернетда онлайн режимида сақлаб қўйиб, кейинроқ тугатишим мумкинми?**

Йўқ. E-DV ариза формаси бир вақтда тўлдирилиб, топшириладиган қилиб яратилган. Ариза шаклини юклаб олган вақтингиздан бошлаб, уни тўлдириб E-DV Интернет саҳифаси орқали топширишингиз учун олти соат (60) дақиқа вақт берилади. Агар сиз олти соат дақиқали чекланган вақт давомида тўлиқ аризангизни топширишга улгурмасангиз, барча аллақачон киритилган маълумотларингиз ўчириб ташланади. Тизим тўлиқ бўлмаган барча аризаларни ўчиришининг сабаби – бундай аризалар кейинчалик топширилган тўлиқ аризаларнинг такрорий нусхаси (дубликати) деб хато қилинишининг олдини олишдир. Турли Миллатларга Мансуб Иммигрантлар Визалари (DV) Дастури Йўриқномаларини аризани тўлдиришни бошлашдан аввал ўқиб чиқинг. Шунда сизга қандай маълумотлар кераклигини аниқ биласиз.

**19. Агар менда сканердан фойдаланиш имкони бўлмаса, фотосуратларимни АҚШдаги қаридошимга жўнатиб, сканердан ўтказдириб, сақлаб, менга юборишини сўрашим ва шу жўнатилган фотосуратларни аризамда ишлатишим мумкинми?**

Ҳа, фотосурат йўриқномадаги талабларга жавоб берса ва E-DV аризаси билан бир вақтда электрон шаклда топширилса, бунга йўл қўйилади. Аризачилар фотосуратни аввалдан сканердан ўтказиб қўйиб, сўнг унинг файлини он-лайн режимида анкета билан топширишлари лозим. Фотосуратни он-лайн аризадан алоҳида топшириш мумкин эмас. Бутун ариза (фотосурат ва ариза биргаликда) АҚШ ёки хориждан электрон тарзда топширилиши мумкин.

**20. Агар фотосуратларим талабларга жавоб бермаса, ўрнатилган тартибга биноан тизим менинг E-DV аризамни рад этади. Бу ҳолда мен аризамни қайта топширсам бўладими?**

Ҳа. Фотосуратларингиз талабга жавоб бермаса, аризангиз E-DV тизимида қабул қилинмайди ва сиз қабул қилинганини тасдиқловчи хабар ҳам олмайсиз. Интернетнинг ҳаракатларини олдиндан айтиш мураккаблиги туфайли, рад этилганлик ҳақидаги хабарни дарҳол олмаслигингиз мумкин. Агар суратларни талабларга мослаштириб, олтмиш (60) дақиқа давомида аризангиз биринчи ёки иккинчи қисмини қайта жўнатсангиз, аризангизни муваффақиятли топшириш имкониятингиз бўлиши мумкин. Акс ҳолда, топшириш жараёнини бутунлай қайтадан бошлашингиз зарур бўлади. Сиз то тўлиқ ариза қабул қилиб олиниб, тасдиқ хабари жўнатилгунга қадар, неча марта зарур бўлса, шунча марта ариза топширишга ҳаракат қилишингиз мумкин. Тасдиқлов хабарини олганингиз аризангиз топширилганидан дарак беради ва бу хабарнома олингач, аризани қайта топширишга ҳаракат ҚИЛМАНГ.

**21. Аризамни топширганимдан кейин электрон тасдиқлов хабарномасини қанчалик тез оламан?**

Тасдиқлов хабарномаси, шу жумладан, сиз ёзиб олиб, сақлаб қўйишингиз зарур бўлган тасдиқлов рақами сизга дарҳол етиб келиши керак. Аммо Интернет ва электрон почта системаларининг фаолиятини олдиндан айтиш мураккаблиги баъзи кечикишларга сабаб бўлиши мумкин. Тўлиқ ариза қабул қилиниб, тасдиқ хабари жўнатилгунча SUBMIT тугмасини қайта-қайта босишингиз мумкин. Бирок, тасдиқловчи маълумотлар саҳифаси чиққандан сўнг ўзингизнинг маълумотларингизни қайта киритманг.

***ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ САРАЛАНИШИ***

**22. Аризам сараланганини қандай билиб оламан?**

2014 йил 1-майдан камида 2015 йил сентябрь ойигача ўз тасдиқлов рақамингиздан фойдаланиб, E-DV [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) веб саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) га киришингиз мумкин бўлади. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) аризангиз сараланганлиги ҳақида маълумот олиш, мурожаат қилиш жараёнидаги навбатдаги босқичлар билан танишиб чиқиш ва иммиграцион визага мурожаат этиш учун суҳбатингиз қачонлигини билишнинг ягона йўли бўлади. Давлат Департаменти томонидан маъқулланган Турли Миллатларга Мансуб Иммигрантлар учун Визалар (DV) Дастурига ариза бериш ва Аризачи Мақомини Текшириш учун Интернетдаги ягона саҳифа - [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov).

Давлат Департаменти сизнинг аризангиз сараланганини (ғолиб бўлганингизни) сизга хабар қилиш учун сиз билан БОҒЛАНМАЙДИ. (Кўп Сўраладиган Саволларда

23-саволни кўринг)

**23. Агар сараланганлар қаторида бўлмасам, буни қандай билиб оламан? Менга хабар келадими?**

DV-2015га топширган аризангиз мақомини 2014 йил 1-майдан камида 2015 йил, 30-июнгача E-DV [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) веб саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали текширишингиз мумкин. Тасдиқлов рақамингизни камида 2015 йил, 30-сентябргача сақлаб қўйинг. (Ўтган йилги дастур - DV-2014 натижаси ҳақидаги маълумотлар 2013 йил, 1-майдан - 2014 йил, 30-июнгача бўлган муддат давомида интернетда мавжуд бўлади). Аризангиз сараланмаган бўлса, қўшимча йўриқномалар олмайсиз.

**24. Тасдиқлов рақамимни йўқотиб қўйсам нима бўлади?**

Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)га кира олишингиз учун тасдиқлов рақамингиз бўлиши шарт. Бундан буён, E - DV саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)да ўзингизнинг баъзи шахсий маълумотларингизни киритганингиздан сўнг аризангизда кўрсатган электрон почта манзилингизга тасдиқлов рақамини юбориш имконини берувчи функция мавжуд бўлади.

АҚШ элчихоналари ва консулликлари ҳамда Кентукки Консулик Маркази (ККМ) сизнинг мақомингизни текшириш ёки тасдиқлов рақамингизни сизга бевосита тақдим этиш (юкоридаги Аризачи Мақомини Текшириш Функциясида мавжуд рақамни тиклаш функциясидан ташқари) имкониятларига эга эмаслар.

Давлат Департаменти виза жараёнларини давом эттириш учун сараланганлар рўйхатини ТАҚДИМ ЭТА ОЛМАЙДИ.

**25. Мен Давлат Департаментидан электрон почта ёки оддий почта орқали маълумот оламанми?**

Давлат Департаменти сизга хабарнома хат юбормайди. АҚШ Хукумати ҳеч қачон танланган шахсларни хабардор этиш учун электрон почта орқали хабарлар жўнатмаган ва DV-2015 дастурида ҳам бу мақсадда электрон почтадан фойдаланиш режалари йўқ. Сараланган бўлсангиз, фақатгина Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали хабардор этиш кўрсатмаларига жавоб берганингиздан сўнг, электрон почта орқали суҳбатингиз куни ва вақти тўғрисида хат оласиз. Бундай электрон почта хатлари Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали суҳбат вақтларини билиб олишга кўрсатма беради холос ва хатнинг ўзида суҳбат белгиланган кун ва вақт ҳақида маълумот бўлмайди.

Фақатгина манзили ".gov" қўшимчаси билан тугайдиган веб саҳифалар расмий АҚШ хукумати саҳифалари ҳисобланади. Кўплаб бошқа веб саҳифалар (масалан,

манзиллари ".com" ёки ".org" ёки ".net" қўшимчалари билан тугайдиган саҳифалар) иммиграция ва визага тааллуқли ахборот такдим этишади ва хизматлар кўрсатишади. Давлат Департаменти бошқа вебсайтларда берилган ҳеч қандай ахборот ёки материалларни қўллаб-қувватламайди, тавсия қилмайди ёки уларга ҳомийлик кўрсатмайди.

Баъзи вебсайтлар сизни чалғитиб, ўзларига пул жунатишга ёки шахсий маълумотларингизни такдим этишга ундаб, сизга электрон почта орқали хат юборишади. Сиздан Давлат Департаменти вебсайти ёки АҚШ Элчихона ва Консуллиги вебсайтларида текин берилувчи иммиграция тартиб-қоидалари ҳақида маълумот ва формалар учун тўлов ундиришга ҳаракат қилиниши мумкин. Қўшимча равишда, ташкилотлар ва вебсайтлар сиздан турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визаларга боғлиқ тўловлар олиб, сизнинг пулингизни ўзлаштиришга ҳаракат қилиши мумкин. Сиз мазкур фирибгарликлардан бирортасига пулингизни жўнатсангиз, уни қайтиб кўришингиз амри маҳол. Бундан ташқари, мазкур вебсайтларга бирор шахсий маълумотингизни жўнатманг, чунки бу шахсий ахборотингиз ўғирланиши ёки шахс ўғирлиги сингари жиноятларга олиб келиши мумкин.

## 26. DV-2015 учун неча киши саралаб олинади?

DV-2015 учун 50000 та DV визалар ажратилган. Биринчи сараланган 50000 та шахснинг баъзилари виза талабларига жавоб бермасликлари ёки ишларини виза олиш босқичигача давом эттира олмасликлари эҳтимоли мавжудлиги туфайли ва барча DV визалари ишлатилишини таъминлаш учун, 50000 дан ортиқ ариза саралаб олинади. Аммо, бу ҳолат дастлабки сараланганлар учун визалар етмай қолиши мумкинлигини ҳам англатади.

Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали аризангиз сараланганини аниқлашингиз ва сараланган бўлса, иштирокчилар рўйхатидаги ўз ўрнингизни билиб олишингиз мумкин. DV-2015 дастури учун суҳбатдан аввал талаб қилинадиган барча ҳужжатлар ва маълумотларни такдим этган сараланганлар суҳбатлари 2014-йил октябридан бошланади. Барча талаб қилинадиган маълумотларни такдим этган сараланган иштирокчилар хорижда жойлашган АҚШ консуликлари ходимлари билан белгиланган суҳбатларидан 4-6 ҳафта олдин E-DV Интернет саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали суҳбат вақтлари ҳақида огоҳлантириладилар.

Ҳар ой, ўша вақтда виза олишга тайёр иштирокчилар учун, визалар тартиб рақами тўғри келиш шarti билан, визалар берилади. Барча 50000та DV визалари берилиб бўлингач, шу йилги дастур ниҳоясига етади. Амалда, визалар 2015-йил сентябрдан олдин тарқатилиб бўлиши ҳам мумкин. Виза олишни хоҳловчи сараланганлар тез ҳаракат қилишга тайёр бўлишлари керак. **Тасодифий танлов орқали сараланиш сизга виза олишингизга кафолат бермайди. Танлов фақатгина сиз DV визасига муурожаат этишингиз мумкинлигини ва агар талабларга жавоб берсангиз, DV**

визаси берилишини билдиради. Фақатгина талабларга жавоб бериши керак бўлган биринчи 50000та мурожаат этувчиларга визалар берилади.

## 27. Муваффақиятли иштирокчилар қандай сараланади?

Иштирокчилар 2014 йил, 1-майдан бошлаб то 2015 йил, 30-июнга қадар E-DVнинг [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) интернет саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали сараланганлари ҳақида расман хабардор қилинади. Давлат Департаменти сараланганлик хабарномалари ёки хатларни почта ёки электрон почта орқали жўнатмайди. DV танловида сараланганлигиниз хусусида хат ёки электрон почта орқали хабарнома олсангиз, бу хат Давлат Департаментидан эмас ва ноқонунийдир. Давлат Департаментидан сизга юборилган ҳар қандай электрон хатлар мурожаатингизга боғлиқ бўлган янгиликларни кўриш учун Аризачи Мақомини Текшириш Функциясини кўриб чиқишингизга кўрсатма беради. Давлат Департаменти сиздан почта ёки Western Union орқали пул жўнатишни ҳеч қачон сўрамайди.

Ҳар бир минтақадан қабул қилиб олинган барча аризалар алоҳида рақамланади, ва рўйхатга олиш даври ниҳоясида, компьютер ҳар бир географик минтақа бўйича қабул қилиб олинган аризаларини тасодифий танлаш йўли билан саралаб олади. Ҳар бир минтақа ичида биринчи саралаб олинган ариза рўйхатдан ўтган биринчи иш бўлиб, иккинчиси эса иккинчи бўлиб рўйхатдан ўтган ҳисобланади ва ҳоказо. Рўйхатга олиш даврида қабул қилинган барча аризаларнинг ўз минтақаси ичида танлаб олиниш эҳтимоли тенг. Ариза сараланган тақдирда иштирокчи 2014 йил, 1-майдан бошлаб E-DVнинг [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) Интернет саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали хабардор қилинади. Агар аризангиз сараланса ва сиз Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)даги кўрсатмаларга биноан жавоб берсангиз, Давлат Департаментининг Кентукки Консуллик Маркази (КСС), то визага ариза берувчи бўлиб сараланганлар АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигига виза учун суҳбатга келишлари хусусида йўл-йўриқ олмагунча ёки Америка Қўшма Штатлардаги мавқеини ўзгартиришга мувофиқ бўлганлар маҳаллий USCIS муассасасига мурожаат қилмагунларига қадар ишни олиб боришда давом этаверади.

## 28. Мен аллақачон АҚШдаман. Агар сараланганлар қаторида бўлсам, АҚШда мақомимни ўзгартиришим мумкинми?

Ҳа, агар сиз АҚШ Иммиграция ва Фуқаролик Актининг 245-бўлимида кўрсатилган мавқеингизни ўзгартириш талабларига мувофиқ бўлсангиз, ўз мақомингизни доимий резидентга ўзгартириш учун USCIS га мурожаат қилишингиз мумкин. Сиз USCIS 2015 йил 30-сентябргача ўз мурожаатингиз, жумладан хориждаги турмуш ўрток ёки 21 ёшдан кичик бўлган фарзандларингизнинг мурожаатлари бўйича жараёнларни тугата олишига ишонч ҳосил қилишингиз керак, чунки айнан шу кунда DV-2015 дастурига мувофиқлигининг амал қилиш муддати тугайди. Ҳеч қандай ҳолатда

2015 йил, 30-сентябрь 24:00 дан сўнг DV-2015 дастури учун ҳеч қандай виза рақамлари берилмайди ва ҳеч қандай мақом ўзгартиришлари амалга оширилмайди.

**29. Агар сараланганлар қаторида бўлсам, DV визасига қандай муддат ичида мурожаат этишга ҳақлиман?**

Агар DV-2015 дастурида сараланган бўлсангиз, фақат АҚШ солиқ йили мобайнида визага мурожаат этишингиз мумкин, яъни 2014 йил, 1-октябрдан, 2015 йил, 30 сентябргача.

Ҳеч қандай истисноларсиз, барча сараланган ва мувофиқ иштирокчилар солиқ йили ниҳоясигача визаларини олишлари ёки мақомларини ўзгартиришлари шарт. Сараланган, лекин визаларини 2015 йил, 30 сентябргача (солиқ йили ниҳоясигача) олмаганлар учун DV имтиёзлари кейинги йилга ўтказилмайди. Шу тарзда аризаларнинг турмуш ўртоқлари ва фарзандлари ўзларининг DV оила аъзоси сифатидаги визаларини ҳам 2014 йил, 1-октябрдан, 2015 йил, 30 сентябргача олишлари мумкин. АҚШдан ташқарида мурожаат этаётганлар Департамент томонидан Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали ўз суҳбатлари белгиланган кундан тўрт-олти ҳафта муқаддам суҳбат вақтлари ҳақида хабардор этиладилар.

**30. Агар DV дастурида сараланган шахс вафот этса, унинг иши нима бўлади?**

Агар DV дастурида сараланган шахс АҚШга етиб боришдан аввал вафот этса, DV иши бекор қилинади. Вафот этган сараланган шахснинг мувофиқ турмуш ўртоғи ва/ёки фарзандлари ҳам шу вақтдан бошлаб DV визасига эга бўлишга ҳақлари бўлмайди.

***ТЎЛОВЛАР***

**31. DV дастурига ариза топшириш учун қанча ҳақ тўлаш керак?**

**Ҳозирги вақтда электрон аризани топшириш учун ҳеч қандай тўлов ундирилмайди.** Бироқ, агар аризангиз сараланса, виза аризасини топшириш жараёнида барча талаб қилинадиган виза тўловларини бевосита АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигидаги консулик ғазначисига тўлашингиз зарур. Қўшма Штатларда бўлган сараланган шахс бўлсангиз, USCIS орқали ўз мақомингизни ўзгартириш учун барча талаб қилинадиган тўловларни бевосита USCISга тўлайсиз. Зарур турли миллатларга мансуб иммигрантлар визаси ва иммиграцион виза аризаси тўловлари ҳақида тафсилотларни E-DVнинг [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) Интернет саҳифаси орқали бериладиган йўриқномалардан оласиз.

**32. Агар саралансам, DV визасига боғлиқ тўловларни қандай ва қаерда тўлайман?**

Агар тасодифий танлов йўли билан сараланган аризачи бўлсангиз, DV визасига мурожаат этиш жараёнлари ҳақида [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали йўриқномалар оласиз. Сиз DV ва иммиграцион визага тааллуқли барча тўловларни АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигидаги консуллик ғазначисига ўзингиз шахсан тўлайсиз. Агар АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигида иммиграцион визага мурожаат этаётган бўлсангиз, DV тўловлари учун ҳеч кимга почта, Вестерн Юнион, ёки бошқа ҳар қандай етказиб бериш хизматларидан фойдаланиб пул жўнатманг.

Агар сараланган бўлсангиз ва аллақачон АҚШда бўлсангиз ҳамда USCIS орқали ўз мақомингизни ўзгартиришни режалаштирсангиз, [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функциясида мавжуд бўлган йўриқномаларда АҚШ банкига DV тўловларини жўнатиш ҳақида маълумотлар берилган.

**33. Агар DVга мурожаат этсам, аммо виза олиш талабларига номувофиқлигим туфайли виза ола олмасам, тўлаган тўловларимни қайтариб олсам бўладими?**

Йўқ. Виза тўловлари қайтариб берилмайди. Сиз ушбу йўриқномада таъкидланган барча виза талабларига жавоб беришингиз шарт. Агар Консул сизнинг виза талабларига жавоб бермаслигингизни аниқласа ёки АҚШ қонуни бўйича виза олишингиз учун таъқиқ ўрнатилса, Консул виза бера олмайди ва тўлаган барча тўловларингиз ушлаб қолинади.

***ВИЗА ОЛИШГА ҚОНУНИЙ ТАЪҚИҚЛАР***

**34. DV визасига мурожаат этган шахс сифатида, бирор виза олишга қонуний таъқиқлардан истисно қилинишим мумкинми? Менинг истисно қилишга берган аризам бирор имтиёзли жараёндан ўтказиладими?**

Йўқ. DV аризачилари Иммиграция ва Фуқаролик Актида белгиланган иммиграцион визалар берилишига қўйилган барча таъқиқларга бўйсундилар. Қонунда белгиланганидан ташқари виза олишга қўйилган таъқиқлардан истисно сифатида озод қилиш ёки озод қилиниш ҳақида аризаларни алоҳида кўриб чиқишга оид махсус моддалар йўқ. Яқин қариндошлари АҚШ фуқаролари ёки АҚШ доимий қонуний резидентлари бўлган қатнашчилар учун таъқиқлардан истисно сифатида озод этиш бўйича баъзи умумий жараёнлар назарда тутилган бўлишига қарамасдан, DV дастурининг вақт билан чекланганлиги бу қатнашчилар мазкур жараёнлардан самарали фойдаланишини мураккаблаштиради.



## ***DV ДАСТУРИГА ОИД ФИРИБГАРЛИКДАН ОГОҲ БЎЛИНГ***

### **35. Интернетдаги фирибгарлик ва сўровсиз электрон почта хатлари ҳақида қаерга мурожаат этиб, маълумот беришим мумкин?**

Илтимос, [www.econsumer.gov](http://www.econsumer.gov) веб-сайтига мурожаат қилинг. Бу саҳифа Федерал Савдо Комиссияси томонидан бошқарилади ва 17 давлатнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш органларининг қўшма саъй-ҳаракатларини жамлайди. Шунингдек, фирибгарлик ҳақида Федерал Қидирув Бюросининг (FBI) [Интернетда жинойтга қарши шикоят марказига](#) маълумот беришингиз мумкин. Сўровсиз юборилаётган электрон хатлар устидан шикоят учун [Адлия Вазирлиги веб-сайтига](#) кириг.

## ***DV ДАСТУРИ СТАТИСТИКАСИ***

### **36. DV-2015 дастурида бериладиган визалар сони нечта?**

Қонунга кўра, мувофиқ шахслар учун энг кўпи 55000 та виза мавжуд. Бирок, 1997 йилнинг ноябрь ойида АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган “Никарагуани қайта тиклаш ва Марказий Америкага ёрдам тўғрисида” ги Қонунга (NACARA) кўра DV-1999 дан бошлаб ва зарурият мавжудлигигача ҳар йили ажратилувчи 55000 турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалардан 5000 тагачаси NACARA дастури миқёсида фойдаланилиши ҳақида қарор қилинди. Визалар сонини камайтириш амалда DV-2000 дан бошланди ва бу ҳолат DV-2015 да ҳам сақланиб қолади ва шу тарзда, мазкур йўриқномада тасвирланган DV дастури учун 50000 нафар виза қолади.

## ***УМУМУИЙ САВОЛЛАР***

### **37. Агар DV дастури бўйича виза олсам, АҚШ ҳукумати АҚШга етиб олишим учун самолёт билетини тўлаб, менга у ерда иш ва уй-жой топишимда ёрдам бериб ва/ёки мен батамом ўрнашиб олгунимча тиббий ёрдам ва бирор ёрдам пули билан таъминлаб турадими?**

Йўқ. DV дастури бўйича виза олсангиз, АҚШ ҳукумати санаб ўтилган хизматларнинг бирортасини кўрсатмайди. DV визасига мурожаат этиш учун сараланган бўлсангиз, сизга виза берилишидан аввал, сиз АҚШда давлат қарамоғига тушиб қолмаслигингизни исботлашингиз керак. Исботловчи маълумотлар ўз мол-мулкингиз ҳақидаги маълумот, АҚШда яшовчи қариндошингиз ёки дўстингиздан «Ёрдам Тасдиқномаси» формаси (I-134) ва/ёки АҚШдаги иш берувчидан ишга таклифнома, бошқа далиллар ёки юқорида санаб ўтилганларнинг бир нечтасидан иборат бўлиши мумкин.

## ХУДУДИДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР DV-2015 ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР МИНТАҚА БЎЙЛАБ

Қуйидаги рўйхатда ҳар бир жўғрофий минтақа бўйлаб ҳудудида туғилган шахслар DV-2015га мувофиқ бўлган мамлакатлар келтирилган. Хориждаги ҳудудлар ўзлари қарам бўлган давлат минтақасининг рўйхатига киритилган. Ҳудудида туғилган шахслар DV-2015 дастури учун номувофиқ бўлган мамлакатлар АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS) томонидан Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонуннинг 203(с) бўлимидаги формулага биноан аниқланди. Ҳудудида туғилган шахслар мазкур турли миллатларга мансуб иммигрантлар DV дастурига мувофиқ бўлмаган мамлакатлар (чунки улар оилавий ва меҳнат сабабларига кўра иммигрантликнинг асосий манбаидир, ёки иммигрантлик кўрсаткичи юқори мамлакатлардир) тегишли минтақавий рўйхатлардан сўнг белгиланган.

### АФРИКА

Жазоир	Ливия
Ангола	Мадагаскар
Бенин	Малави
Ботсвана	Мали
Буркина Фасо	Мавритания
Бурунди	Маврикий
Камерун	Марокаш
Кабо Верде	Мозамбик
Марказий Африка Республикаси	Намибия
Чад	Нигер
Комор ороллари	Руанда
Конго	Сан Томе ва Принсипи
Конго Демократик Республикаси	Сенегал
Кот д'Ивуар	Сейшел ороллари
Жибути	Сьерра Леоне
Миср*	Сомали
Экваториал Гвинея	Жанубий Африка
Эритрея	Жанубий Судан
Эфиопия	Судан
Габон	Свазиленд
Гамбия	Танзания
Гана	Того
Гвинея	Тунис
Гвинея-Биссау	Уганда
Кения	Замбия
Лесото	Зимбабве
Либерия	

\*1967 йилнинг июль ойигача Исроил, Иордания, Сурия ва Миср томонидан бошқарилган ҳудудларда туғилган шахслар, мутаносиб равишда Исроил, Иордания, Сурия ва Мисрга тегишли бўладилар. Ҳазо ҳудудида туғилган шахслар Мисрга

тегишли. Иордан дарёсининг Ғарбий Қирғоғида туғилган шахслар Иорданияга тегишли. Голан Тепаликлари ҳудудида туғилган шахслар Сурияга тегишли.

Африка бўйича бу йилги турли миллатларга мансуб иммигрантлар дастурида Нигерияда туғилган шахслар мувофиқ **эмас**.

### ОСИЁ

Афғонистон	Мальдив ороллари
Баҳрайн	Монголия
Бутан	Непал
Бруней	Шимолий Корея
Бурма	Уммон
Камбоджа	Қатар
Гонконг Махсус	Саудия Арабистони
маъмурий округи**	Сингапур
Индонезия	Шри Ланка
Эрон	Сурия*
Ирок	Тайвань**
Исроил*	Таиланд
Япония	Тимор-Лесте
Иордания*	Бирлашган Араб
Қувайт	Амирликлари
Лаос	Яман
Ливан	
Малайзия	

\*1967 йилнинг июль ойигача Исроил, Иордания, Сурия ва Миср томонидан бошқарилган ҳудудларда туғилган шахслар, мутаносиб равишда Исроил, Иордания, Сурия ва Мисрга тегишли бўладилар. Ғазо ҳудудида туғилган шахслар Мисрга тегишли. Иордан дарёсининг Ғарбий Қирғоғида туғилган шахслар Иорданияга тегишли. Голан Тепаликлари ҳудудида туғилган шахслар Сурияга тегишли.

\*\*Қуйидаги Осиё давлатларида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига мувофиқ **эмас**: Бангладеш, Хитой (материк ичида туғилганлар), Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Корея, Филиппин, ва Вьетнам. Гонконг М.М.О.(Осиё), Макау М.М.О. (Европа) ва Тайвань (Осиё) **мувофиқ бўлиб**, шу ерда санаб ўтилган.

## ЕВРОПА

Албания	Макау Махсус Маъмурий
Андорра	Округи**
Арманистон	Македония
Австрия	Мальта
Озарбайжон	Молдова
Беларусь	Монако
Бельгия	Черногория
Босния ва Герцеговина	Нидерландия (унинг таркиби
Болгария	хориждаги
Хорватия	қарам ҳудудлари)
Кипр	Шимолий Ирландия**
Чехия Республикаси	Норвегия
Дания (унинг таркиби ва хориждаги	Польша
қарам ҳудудлари)	Португалия (унинг таркиби ва
Эстония	хориждаги
Финландия	қарам ҳудудлари)
Франция (унинг таркиби ва хориждаги	Руминия
қарам ҳудудлари)	Россия
Грузия	Сан Марино
Германия	Сербия
Греция	Словакия
Венгрия	Словения
Исландия	Испания
Ирландия	Швеция
Италия	Швейцария
Қозоғистон	Тожикистон
Косово	Туркия
Қирғизистон	Туркманистон
Латвия	Украина
Лихтенштейн	Ўзбекистон
Литва	Ватикан шаҳри
Люксембург	

\*\*Қуйидаги Европа давлатлари ҳудудида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун Визалар дастурига мувофиқ **эмас**: Буюк Британия (Бирлашган Қироллик). Буюк Британия (Бирлашган Қироллик) қуйидаги қарам ҳудудларни ўз ичига олади: Ангуилла, Бермуда, Британия Виржиния ороллари, Кайман ороллари, Фолькланд ороллари, Гибралтар, Монсеррат, Питкаирн, Муқаддас Елена, Турк ва Кайкос ороллари. Шуниси эътиборга молиқки, фақатгина Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури миқёсида, Шимолий Ирландияга ўзга ёндашув билан қаралди; Шимолий Ирландия **мувофиқ бўлиб**, мувофиқ давлатлар орасида келтирилди. Макау М.М.О. **мувофиқ бўлиб**, юқорида санаб ўтилди.

## ШИМОЛИЙ АМЕРИКА

Багама ороллари

Шимолий Америкада Канада ва Мексика худудида туғилган шахслар бу йилги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурида иштирок этишга **номувофикдир**.

## ОКЕАНИЯ

Австралия (унинг таркиби ва хориждаги қарам худудлари)  
Фижи  
Кирибати  
Маршал ороллари  
Микронезия, Науру  
Федератив Штатлар  
Янги Зеландия (унинг таркиби ва хориждаги

қарам худудлари)  
Палау  
Папуа Янги Гвинея  
Соломон ороллари  
Тонга  
Тувалу  
Вануату  
Самоа

## ЖАНУБИЙ АМЕРИКА, МАРКАЗИЙ АМЕРИКА ВА КАРИБ ОРОЛЛАРИ

Антигуа ва Барбуда  
Аргентина  
Барбадос  
Белиз  
Боливия  
Чили  
Коста Рика  
Куба  
Доминика  
Гренада  
Гватемала  
Гайана

Гондурас  
Никарагуа  
Панама  
Парагвай  
Сент Кристофер ва Невис  
Сент Люсия  
Сент Винсент ва Гренадинлар  
Суринам  
Тринидад ва Тобаго  
Уругвай  
Венесуэла

Минтақада мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига худудида туғилган шахслар **номувофик** бўлган давлатлар: Бразилия, Колумбия, Доминикана Республикаси, Эквадор, Сальвадор, Гаити, Ямайка, Мексика ва Перу.